ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАРНИНГ ЎРНИ

Абдукаримов Ж.А.,
Академик Б.Ғафуров номидани Хужанд
давлат университети тожик халқи
тарихи кафедраси доценти
E-mail: abdukarimov_1979@mail.ru

Аннотация. Мақолада электрон манбаларнинг тарихий тадқиқотлардаги ўрни таҳлил қилинган. Мақолада асосан электрон ресурслардан фойдаланишнинг муҳим йўналиши бўлган “Компютер манбашунослиги” тушунчаси таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: Тарихий тадқиқотлар, ижтимоий фанлар, ахборот технологиялари, Компютер манбашунослиги, манбаларни ўрганиш эвристикаси.

Аннотация. В статье анализируется роль электронных источников в исторических исследованиях. В статье преимущественно анализируется понятие «Компютерное источниковедения», которое является важным направлением использования электронных ресурсов.

Ключевые слова и фразы: Исторические исследования, социальные науки, информационные технологии, Компютерное источниковедения, эвристика источниковедения.

Annotation. The article analyzes the role of electronic sources in historical research. The article mainly analyzes the concept of “Computer Source Studies”, which is an important area of using electronic resources.

Key words and phrases: Historical research, social sciences, information technology, Computer source study, source study heuristics.

Бугунги кунда тарих фани янги босқичга кўтарилиб, унинг саҳифаларини янада бойитиш ва кенгайтиришда унга янги инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш муҳим роль ўйнайди. Жамиятнинг барча қатламлари, айниқса ёшларнинг фикрлаш даражасининг кенгайиши, ахборот олиш имкониятининг осонлашиши, тарих фанини ўқитиш жараёнида инновациялар: технологиялар, моделлар ва методларга бўлган эҳтиёж ортмоқда.

XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб ижтимоий фанларга ахборот технологиялар жорий этила бошланди. XXI га келиб бу жараён янада жадаллашди. Бунга иккита омил сабаб бўлди. Биринчидан, ахборот технологияларининг ўтган даврда янада ривожланиши ва эндиликда фақат аниқ ва табиий фанлар эмас, балки ижтимоий фанлар эҳтиёжлари учун ҳам кенг кўламда махсус хизмат кўрсата олиш имконияти пайдо бўлди. Иккинчидан, ижтимоий фанлар хусусан тарих фанида фанлараро ёндашув усулларидан фойдаланиш ва ахборот технологиялар ёрдамида тарихий тадқиқотларни олиб боришга ўтилди [Адилов Ж.Х., Толибов Н.А., 2022.- с. 199]. Шунингдек,

ҳозирги кунда тарих фанини ривожлантириш учун янги ахборот муҳити яратилмоқда. Бу тарихий манбаларга кириш имкониятлари ва улардан тарихий маълумотларни олишнинг янги усулларининг пайдо бўлиши учун ҳам амал қилади.

Замонавий тарихий тадқиқотларни ахборот технологиялар имкониятлари асосида амалга оширишнинг энг самарали улусларидан бири «Компьютер манбашунослиги» ҳисобланади.

Ҳозирги кунда компютер манбашунослиги ҳали шаклланиш жараёнида бўлиб, мутахассислар ўртасида унинг предметини аниқлашда турлича қарашлар мавжуд. Аммо, компютер манбашунослиги усулларини қўллаш соҳаси жуда аниқ белгиланган. Бу, биринчи навбатда, манбашунослик эвристикаси – ҳозирги кунда компютер манбашунослигида энг ривожланган соҳа ҳисобланади; иккинчидан услубий-аналитик манбашунослик бўлиб, унинг асосий вазифаси тарихий манбаларни ўрганиш услуби ва техникаси ҳисобланади [Варфоломеев А.Г., Иванов А.С., 2013.- с. 6].

«Компьютер манбашунослиги» ғоясининг вужудга келиши Россия тарихшунослигида тарихий информатика ривожи билан чамбарчас боғлиқ. Бу тушунча 1993 йилда пайдо булган. Бироқ ушбу термин биринчи марта 1992 йил Ужгород шахрида булиб ўтган семинарда эълон қилинган ва нашрда эса 1993 йил Т.Моисеенко ва М.Свишевнинг «Изучение аграрной истории России последних десятилетий: перспективы «компьютерного источниковедения» номли тезисида чоп этилган [Моисеенко Т., Свищев М., 1993.- с. 152]. «Бизнинг фикримизча, - деб ёзган Т.Моисеенко ва М.Свишев, - тарихий информатика бу «компьютер манбашунослигининг бир тури, яъни электрон ҳисоблаш машинаси ёрдами билан тарихий манбаларни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқишга йуналтирилган фан, уларни расмийлаштириш ва машинада ўкиладиган шаклда тақдим этиш принциплари, шунингдек, тарихий тадқиқотларда ахборот ва компьютер технологияларидан фойдаланишга умумий ёндашувлар» [Мўминов Ҳ., 2022.- с.83-84]. Муаллифлар «тарихий информатика» ва «компьютер манбашунослиги» тушунчалари ўртасида тенглик белгисини куйишни таклиф қилдилар. Компьютер манбашунослигининг технологик ва аналитик таркибий қисми туғрисида рус олимларидан В.Н. Владимиров ва С.В. Циб куйидагиларни таъкидлаб ўтгади: «Компьютер манбашунослиги» деб, биз манбашунослик ишларининг мазмуни ва ташқи хусусиятларини, шу жумладан, машина уқийдиган манбаларни яратиш ва қайта ишлашни назарда тутамиз; компьютерда бажариладиган тегишли амаллар тупламидир.

Бошқача айтганда, «Компьютер манбашунослиги» - бу компьютер технологияларининг муайян тупламига йуналтирилган манбашунослик иши (ва унинг натижалари)». Сунгги 20 йил давомида унинг моҳияти, қулланилиши, туликдиги ва аниқлиги ҳақидаги тортишувлар бўлиб келди. Хозирда компьютер манбашунослигига уч хил таъриф берилмокда: Биринчидан, компьютердан фойдаланадиган манбашунослик сифатида тушунилади (ушбу ёндашувнинг классик намунаси - бу компьютер асосида атрибут, яъни инсон, ижтимоий

гурух, жамоа ва бопқаларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш муаммоларини ҳал қилиш);

Иккиичидан, электрон хужжатларнинг манбашунослиги деб аталадиган, яъни аллақачон электрон шаклда вужудга келган хужжатлар;

Учинчидан, электрон шаклда мавжуд булган, яъни рақамлаштирилган хужжатларни ёки хужжатларнинг электрон нусхаларини ўз ичига олган манбашунослик хужжатлари сифатида таърифланади [Мўминов Ҳ., 2022.- с.83-84].

Мазкур таърифларга таянган холда шуни айтиш мумкинки, компьютер манбашунослиги тарихий информатика ва манбашунослик бирлашмасида ахборот назарияси таъсири остида пайдо булган янги илмий йуналиш ҳисобланади. У янги компьютер технологиялари ёрдамида манбашуносликнинг анъанавий муаммоларини, шунингдек ахборот назарияси ва ахборот технологияларини ривожлантириш натижасида пайдо булган манбашунослик муаммоларини ўрганади. Компьютер манбашунослиги машина ўкийдиган тарихий манбаларни яратиш усуллари ва технологияларининг тўпламини ўз ичига олади.

Машинада ўкиладиган манбалар эса «электрон» шаклга ўтказилган манбалардир. Аммо манба таркибидаги маълумотларнинг фақат бир қисми машинада ўкиладиган қисмга ўтказилганлиги сабабли, «машина томонидан ўқиладиган маълумотлар» атамаси янада туғри ва кўп ишлатилади. Шу билан бирга, манбаларнинг машинада ўкилиши мумкин булган версиялари хам янги манбалар куринишида, яъни «машинада ўқиладиган манбалар» сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Компьютер манбашунослик методларини куллаш сохаси жуда аниқ белгиланади. Бу, биринчи навбатда, манбашунослик эвристикаси - ҳозирги кунда компьютер манбашунослигининг энг ривожланган соҳаси; иккинчидан, методологик аналитик манбашунослик, унинг диққат марказида тарихий манбаларни ўрганиш методикаси ва техникаси туради.

Манбашунослик эвристикаси – («қидириш», «очиш») -тарихий манбаларни излаш, унга кириш имкониятларини ўрганиш ва манба вариантларининг мавжудлиги: мумкин булган манба турини белгилайди; манба мавжудлигини аникдайди; манба сакдаш жойини белгилайди; манбага кириш шартларини белгилайди; мавжуд вариантларни, тахририятларни ёки нашрларни аниклаш.

Манбашунослик эвристикаси библиографик ва архив эвристикасига ажратилади. Библиографик эвристика библиографик қидирувнинг назарияси ва методикаси сифатида ҳар қандай такрорланадиган китоб материалларини ёки унинг алоҳида элементларини аниҳлаш усуллари билан боғлиқ назарий ва амалий билимлар тўплами сифатида тавсифланиши мумкин [Мўминов Ҳ., 2020.- С. 77-78].

Тарихий манбашуносликда эълон қилинган ва қисман асосланган комплекс ёндашув тарихий манбаларнинг органик, ўз-ўзидан пайдо бўлган тўпламларини ўрганишнинг энг умумий вазифаларини белгилайди.

Ҳужжатли комплексларни ҳам, алоҳида тарихий манбаларни ҳам тўлиқ манбашунослик асосида ўрганишга ҳисса қўшадиган ҳал қилувчи вазифа уларнинг тўлиқ нашрларини босма ва электрон шаклда тайёрлашдир. Бундан ташқари, компютер манбаларини ўрганиш нуқтаи назаридан электрон нашрларни тайёрлаш устувор аҳамиятга эга, чунки фақат электрон шаклда манбаларнинг юқори сифатли компютер технологиялари ва усулларидан самарали фойдаланишга имкон беради. Албатта, бундай нашрларни тайёрлаш учун энг мос технология танланиши керак.

Кўпинча замонавий электрон нашрлар шунчаки қоғозни нусхалашади, шу билан бирга баъзи табиий афзалликларга эришилади – манбаларнинг расмларини узатиш сифатини яхшилаш ва нашрлар ҳажмига чекловларни олиб ташлашга эришилади. Шунинг учун ёзма ёдгорликларни электрон шаклда нашр этишнинг янги шакллари ва воситаларини ишлаб чиқиш вазифаси жуда долзарбдир. Бундай нашрлар нафақат янги манбаларни илмий муомалага киритиш ва уларнинг Интернет тармоғида мавжудлигини таъминлаш, балки уларни манбашунослик тадқиқотларининг турли хил имкониятларини тақдим этиш лозимдир [Варфоломеев А.Г., Иванов А.С., 2013.- с. 46-53].

Шундай қилиб, бугунги кунда ахборот технологиялари кириб бормаган соҳа ва йуналишнинг ўзи қолмади. Қайси бир жабҳани олмайлик қулайлик, ошкоралик ва тезкорлик бобида замонавий ахборот технологиялари янгиланишларнинг муҳим омилига айланиб бормокда. Ўз навбатида тарихчилар каби манбашунослар хам замонавий ахборот технологияларининг ютукларидан самарали фойдаланган ҳолда тарихий манбаларни тадқиқ этиши муҳим масалага айланиб бормокда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адилов Ж.Х., Толибов Н.А. Тарихий тадқиқотларни олиб боришда BIM технологиясининг ўрни // ўзбекистон тарихини ўрганишда рақамли технологияларнинг аҳамияти. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.- Тошкент, 2022.- 199-203 б.
2. Варфоломеев А.Г., Иванов А.С. Компьютерное источниковедение. Семантическое связывание информации в репрезентации и критике исторических источников. - Петрозаводск: Изд-во Петр ГУ, 2013.
3. Володин А.Ю. 20 лет компьютерному источниковедению: // Историческая информатика: Информационные технологии и математические методы в исторических исследованиях и образовании. 2014. №2-3. - С.130-134.
4. Моисеенко Т., Свищев М. Изучение аграрной истории России последних десятилетий: перспективы «компьютерного источниковедения» // История и компьютер: новые информационные технологии в исторических исследованиях и образовании / под ред. Л. Бородкина и В. Леверманна. St Katharinen, Gottingen, 1993. –С.152.
5. Мўминов Ҳ. Рақамли таърих. . - Тошкент: «Nurafshon business», 2022.- 276 б.
6. Мўминов Ҳ. Тарих фанида инновациялар: технологиялар, моделлар ва методлар.-Андижон, 2020.- 264.